


“ТА СДИҚЛАЙМАН”
“Навой КМК” АЖ ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари


Х.Р.Раупов
2024 йил “ 5 ” январ

“Навой кон-металлургия комбинати” АЖ ҳузуридаги
ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИ
БАЁНИ № 1

Навой шаҳри

2024 йил “ 05 ” 01

Раислик қилувчи: Х.Р.Раупов -Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари

Иштирок этди: Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Жамоатчилик кенгаши томонидан 2024 йилга мўлжалланган иш
режасини тасдиқлаш ҳамда режада белгиланган вазифалар ижросини
ўрнатилган тартибда ташкил этиш ҳақида

(Раупов, Джураев, Садриддинов, Раджабов, Набиев ... Раупов)

“Навой КМК” АЖ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Х.Раупов йиғилишни очиб, Кенгаш томонидан 2024 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Шундан сўнг, кенгаш котиби А.Джураев томонидан 2024 йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилган иш режа лойиҳаси ўқиб эшиттирилди.

Музокараларда С.Назарова, Н.Садриддинов ва бошқалар томонидан турли таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кун тартибида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлардан келиб чиқиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Х.Р.Рауповнинг 2024 йилда амалга оширилган иш режаси ва вазифалар тақсимоти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.


2. Жамоатчилик кенгашининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаси Иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар:

- НКМК фаолиятига доир қабул қилинаётган муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурларда фаол иштирок этиш;

- жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, комбинат ишчи-ходимлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
 - ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор вазифаларни бажариш, битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш;
 - нодавлат-нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
 - жамоатчилик фикрини ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш, ижтимоий сўровномалар ўтказиш;
 - коррупцияга қарши курашиш ва бу борада масъул бўлинмалар билан натижадорликка эришиш чораларини кўриш;
 - очиқлик сиёсатини доимий мониторинг қилиб бориш;
 - ишчи-ходимлар, улар оила аъзолари, пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш, Жамоа шартномаси талаблари бажарилишини таъминлаш ва бошқа муҳим вазифалар ижросини назоратга олиш ва шароитларни чнада яхшилаш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш;
4. Ҳар бир кенгаш аъзоси ўзига юклатилган вазифалар бўйича кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш Жамоатчилик кенгаши ва унинг ҳар бир аъзосининг асосий вазифаси эканлиги эслатиб ўтилсин.
5. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш Жамоатчилик кенгаши котиби А.Джураев зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди:



А.Джураев